

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**151** Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи-  
нинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгар-  
тиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-3*

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига (Ўзбекистон Республика-  
си қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 52 (I)-сон) мувофиқ Ўзбекистон  
Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади-  
лар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-  
сининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сонли қарори (рўйхат рақами 1807,  
2008 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2008 й., 20-21-сон, 180-модда) билан тасдиқланган Солиқ тўловчиларга ноль  
даражали ставкани қўллаш натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат со-  
лиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга иловага муво-  
фиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2014 йил 20 март,  
21-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2014 йил 20 март,  
2014-11-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2014 йил 20 мартдаги  
21, 2014-11-сон қарорига  
ИЛОВА

**Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг  
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банднинг «д» кичик банди биринчи хатбошисидаги ва 15-банддаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини» деган сўзлар «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 20-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети» деган сўзлар «бюджет тизими бюджетлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.